

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,  
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТ-  
ЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 21 (2312).

30

ЯНВАРЬ  
ЧОРШАНБА  
1963 ИЙЛ

БАҲОСИ  
2 ТИЙИНИ

Кеча республикада меҳнаткашларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишлари бошланди. Корхона ва муассасаларнинг коллективлари республика ҳокимиятининг олий органи депутатлигига партия ва ҳукумат раҳбарларини, халқимизнинг энг яхши фарзандларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Сайловолди йиғилишлари юксак, сиёсий кўтаринкилик, қизғин ватанпарварлик вазиятида ўтаётир.

## ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ БУЗИЛМАСДИР!

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БАЛАНД РУҲ БИЛАН КЎРСАТИЛА БОШЛАДИ ТОШКЕНТ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ НОМЗОДЛАРИ



Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонт заводининг клуби одамлар билан лиқ бўлди. Ана шу ўз революцион традициялари билан донг чиқарган корхонанинг республика давлат ҳокимиятининг олий органи депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сайловолди йиғилишига тўпаланган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг найфи чоғ. Корхона ходимлари билан бирга йиғилишда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига номзодат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этди.

Минбарга дизель цехининг слесари, партия XXII съездининг делегати Ф. Н. Пронин чиқди. У, Тошкент шаҳар Горький сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрущев номзодини кўрсатиш ҳақида таклиф киритганида, тўпаланганлар бу таклифни гулдўрос қарсақлар билан кутиб оладилар.

— Никита Сергеевич, — деди номиқ, — бизларнинг ҳаммамизга соддиқ дегинчи, тинчлик ва халқ бахт-саодати учун ҳормас-толмас курашчи сифатида маълум. Утмишда ишчи бўлган, граждандар урушида ва Улуғ Ватан урушида қатнашган ўртоқ Хрущев ўзининг бутун ҳаётини халқ билан, ленинчи Коммунистик партия билан боғлади. Никита Сергеевич ҳар бир иттифоқчи республиканинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини тўлаб-янашатишга гоят катта эътибор бераётганини учун Ўзбекистон меҳнаткашлари ундан чексиз миннатдордирлар. Ўртоқ Н. С. Хрущев бизнинг республикадаги тез-тез нелиб турибди. Унинг бизларга берган кўпгина қимматли маслаҳатлари ва кўрсатмалари ишмизда яхши ёрдам берди.

Ф. Н. Пронин ўз нутқининг охирида у ва унинг бригадаси ўртоқлари сайловлар шарафига пиланд ташлари битта дизель ремонт қилиб беришга аҳд қилганликларини айтди.

Инженер И. Я. Казаков сўзга чиқди. У, кўрсатилган номзодни кизгин қўллаб-қувватлаб, ўртоқ Н. С. Хрущевнинг партия ва совет халқи олдидаги, бутун инсоният олдидаги катта хизматлари ҳақида гапирди. Ер юзидан барча мамлакатларнинг миллионларча софдил кишилари, деб таъкидлайди номиқ, Никита Сергеевич ташқи сиёсатининг буюк ленинчи принципларини маҳорат билан амалга ошира бериб, ўз донолиги ва жасорати билан инсониятни ҳарбий ҳалокатдан сақлаб қолганлиги учун унга самимий миннатдорчилик билдирмоқдалар. Америка империалистларини ив Кароб денгиз районидаги негварлик ҳаракатлари натижасида жаҳон ҳарбий ҳалокат хавфи остида қолган эди.

Завод бошлиғи Р. Т. Тадулевич сўзга чиқди. У, киритилган таклифга қўшилди ва айни вақтда Горький сайлов округи бўйича депутатликка корхонанинг стержачиси, коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари, меҳнат соҳасидаги катта муваффақиятлар учун Ленин ордени билан мукофотланган Людмила Александровна Реут номзодини кўрсатди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Республика меҳнаткашлари совет демократиясининг ёрқин байрами бўлиб қолган сайлов кампаниясини шояди ғалабалар билан нишонламоқдалар. Бу галги сайловлар партия XXII съезидан кейин биринчи марта ўтказилмоқда. Съезд коммунистик курлишнинг улугвор программасини белгилаб берди, хўжалик ва маданий курлиш соҳасида Советларнинг ролин янада юқори кўтарди. Совет кишилари сайловларни муносиб кутиб олиш учун коммунизмининг моддий-техника

Чўян қуйиш цехининг мастери И. С. Вашченко ва вагон цехининг мастери А. Набиев Л. А. Реутин энг яхши ишчи ва актив жамоатчи сифатида характерлайдилар.

Номиқлар ўз нутқларида коллективларининг юксак мажбуриятлар қабул қилганликларини хабар қилдилар ва округдаги барча сайловчилар коммунистлар билан партиячилар бузилмас блокнинг муносиб номзодлари учун овоз берадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрущев ва завод стержачиси Людмила Александровна Реут номзодларини кўрсатиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилинди.

Сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари округ сайловолди кенгашларига ўз вакилларини сайладилар.

Тошкент шаҳар Пролетар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатиш учун республика пойтахти аэропортининг майдончадарида бирига учувчилар формасидаги юзларча кишилар тўпландилар.

Граждан-ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг Тошкент бирлашган авиация бўлимасининг учувчилар состави, ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида учувчилар бўлимаси командирининг ўринбосари А. Ф. Ермаков биринчи бўлиб сўзга чиқди. У гулдўрос қарсақлар остида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневни депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

Граждан-ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармасининг бошлиғи А. Ю. Гозиназаров бу таклифни қўллаб-қувватлаб, республика Олий Совети депутатлигига «ИЛ-18» кемасининг командири Тошкан Хўжаев номзодини ҳам кўрсатди.

Тошкани коллективимизда ўсиб етишган энг яхши мутахассислардан бири сифатида биламиз, — деди у. — Икки миллион километрдан кўпроқ масофани босиб ўтган Хўжаев ҳамма вақт ва ҳамма ишда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзида у, мамлакатнинг ҳар йўллари бўйлаб етти минг пассажирини ташиди. Тошкан коммунист номини шараф билан сақлаб, ёшларни тарбиялашга, жамоатчилик ишларига кўпгина куч-гайрат сарфламоқда. Йиғилишда сўзга чиққан реак-

базасини тезроқ яратиш юзасидан янги катта тадбирларни белгилаб берган КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини кутиб билан амалга оширмоқдалар.

29 январда республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишлар партия билан халқнинг буюк бирлигини, республика меҳнаткашларининг бутун куч-гайратларини жонажон Ватанининг янада равиқ топиши учун тайёр эканликларини яна бир марта эър куч билан намойиш қилди.

Топкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилиши совет демократиясининг байрамига айланган кетди. Ўзбекистон энгил саноати гигантининг мингларча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари корхонанинг муқташам ҳурмат таштиси ёнига тўпландилар.

Комбинат директори З. А. Абдуллаев тўпаланганларнинг гулдўрос қарсақлари остида Даяркинсий сайлов округи бўйича КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Фрол Романович Козловин республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида таклиф киритди.

Ф. Р. Козлов номзодини биринчи ил йиғилиш фабрикасининг мастери ўринбосари Ф. Қосимхўжаев, пардоллаш фабрикасининг бош инженери М. Д. Тихонова қизгин қўллаб-қувватладилар. Улар ўз коллективларини номидан тўқимачилар сайловларга тайёргарлигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилганликларини ҳақида гапирдилар.

Биринчи тўқув фабрикасининг цех бошлиғи А. И. Дудаков ўзидан олдин сўзга чиққан ўртоқларининг таклифини қўллаб-қувватлайди ва Даяркинсий сайлов округи бўйича биринчи тўқув фабрикасининг тўқувчиси Нина Васильевна Ершовани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида таклиф киритди.

Химия факультетининг денали, профессор Ш. Толпонов ўртоқ М. А. Суловини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифни қизгин қўллаб-қувватлайди ва университет ректори, профессор Обид Солиқовни депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Номиқ О. Солиқовни катта олим ва жамоат ароби, қобилиятли ташкилотчи сифатида характерлайди.

Шундан кейин сўзга чиққан юридик факультетининг студенти А. Қўқоров, университет хизматчиси И. Т. Чинало киритилган таклифларни қизгин қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суловини ва университет ректори, профессор О. Солиқовни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилдилар.

«Ташкентабель» заводига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган кўп кишилик йиғилиш бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар республика давлат ҳокимиятининг олий органига ўз вакилларини ташлаш учун завод ҳовлисида тўпландилар.

Минбарга заводнинг бош инженери К. И. Костиков чиқди. У, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Анастас Иванович Микоянин Луначарский сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш таклиф қилди. А. И. Микоян номзодини бош технолоғ бўлими группасининг раҳбари Г. С. Яшин ва бошқа номиқлар қўллаб-қувватладилар.

Советлар ҳокимиятининг чинакам халқ органларидир, — деди коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номин олган прокатчилик бригадасининг раҳбари В. И. Чуриков. — Анастас Иванович Микоян номзодини чин қалбдан қўллаб-қувватлайман ва корхонамиз прокат-сим тортиш цехининг бошлиғи Юрий Иванович Ильичевни ҳам Луначарский сайлов округи бўйича республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш таклиф этаман.

Ю. И. Ильичев заводимизга Улуғ Ватан уруши йилларида 16 яшар йиғилиш чоғида келган эди, — деди зулузуси вулкани зазия агрегатининг старший ишчиси Е. П. Трусова. — Шу вақт йиғида у, рангловотнинг чеге бошчилигида бўлган катта бўлиб босиб ўтди. Биз уни ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси, ҳамма янгиликлар ва илгор иш усуллари учун астойдил курашчи сифатида биламиз. У бизнинг ишончимизни оқлайди, деб ишонамиз.

Сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Анастас Иванович Микоянин ва «Ташкентабель» заводи прокат-сим тортиш цехининг бошлиғи Юрий Иванович Ильичевни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилдилар.

«Ташсельмаш» заводи ошқонасининг катта оватқилани залига икки смена ўртасида корхонанинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўпландилар.

Темирчилик-пресс цехининг старший мастери А. Қосимов йиғилиш қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади. У, совет халқи республика Олий Советига ўтказилган бутдан олдинги сайловлардан бери ўндан йиллар илди эришган катта муваффақиятлар ҳақида тўқинганиб гапирди. Бу ғалабаларда, деб таъкидлайди номиқ, жонажон Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришилди.

А. Қосимов КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Алексей Николаевич Косигинни Пушкин сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида таклиф киритганида, йиғилишдан бу таклифни гулдўрос қарсақлар билан кутиб олдилар.

Йиғилишда шундан кейин сўзга чиққан пахта териш машиналарини йиғиш цехининг слесари Я. Рабов ва бош технолоғ бўлимининг старший технолоғи И. Голованов бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Шу билан бирга, ўртоқ Голованов «Ташсельмаш» заводининг директори Евгений Александрович Беловни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида таклиф киритди ва уни заводда техника тараққиётини жадаллаштириш учун кўпгина иш қилган қобилиятли хўжалик раҳбари сифатида характерлайди.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигинни ва «Ташсельмаш» заводининг директори Е. А. Беловни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Суратларда: 1. Дизель цехи слесари Ф. Н. Пронин номзод кўрсатмоқда. 2. Йиғилиш қатнашчилари. А. Абалян ва В. Салов фотоси.

### ҚОЗОҒИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

#### Қозоғистон ССР Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми умумдавлат манфатларини назарда тутиб, Мирзачўл ерларининг бўлиб юборилганлигини тугатиш, бу ерларни хўжалик жиҳатдан тезроқ ўлаштириш ҳамда ундан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун энг рационал фойдаланиш мақсадида қарор қилди:

Чимкент областининг жами ер майдони 959 минг гектардан иборат Киров ва Пахтаорол районлари, Қизилқум районининг Қизилқум ва Чимкент қишлоқ Советлари, шунингдек Ўзбекистон ССРга узоқ муддатта фойдаланиш учун бериб қўйилган Чимкент областидаги 1.554 минг гектар яйлов ерлар ва Қизил Ҳўда областидаги 1.150 минг гектар яйлов ерлар Ўзбекистон ССР составига ўтказилсин.

Ушбу Фармон 1963 йил 1 февралдан кучга кирди.

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг  
Раиси И. ШАРИПОВ.

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари  
учун — Президиум аъзоси М. НУЪМОНОВ.

Олмаота шаҳри,  
1963 йил 26 январь.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

#### Қозоғистон ССР Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига қўшиш тўғрисида

Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми 1963 йил 26 январдаги Фармони билан Жанубий Қозоғистон ўлкасининг Чимкент ва Қизил Ҳўда областларидан жами 3.663 минг гектар ҳайдаладиган ва яйлов ерлар массивини ҳамда ана шу ерларда жойлашган Пахтаорол ва Киров колхоз совхоз бошқармаларига қарашли колхоз ва совхоз ерларини, шунингдек ўтказилган ерлар территориясини ҳамма муассасалар, корхоналар ва ташкилотларни Ўзбекистон ССР составига топширди.

Бу олий ҳимматлини Ўзбекистон меҳнаткашлари эър қувонч ва қардош Қозоғистон халқига самимий миннатдорчилик билан қабул қилдилар ҳамда бу ишни Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас, самимий ленинчи дўстлигининг улар ўртасидаги ҳар тарафлама ўзаро ёрдамнинг ёрқин ифодаси деб билдилар.

Қозоғистон ССР территорияси бир қисмининг Ўзбекистон ССР составига топширилиши совет пахтачилигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада тезроқ ривожлантиришга, партия XXII съезди кўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилади.

Совет республикаларининг мустақамлалиб ва ривожланиб бораётган қардошларча ҳамкорлиги Коммунистик партиянинг доно ленинчи миллий сиёсати қудратли ҳаётини кучга эга эканлигини кўрсатуви ишончли далил бўлиб, коммунизм моддий-техника базасининг вужудга келтирилиши СССР халқларининг янада мустақамроқ жиплашуви ва бирлашуви оғиб нелади, деб КПСС Программасида айтилган қондан яқоил тасдиқламоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди:

1. Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг 1963 йил 26 январдаги Фармони билан Қозоғистон ССР Жанубий Қозоғистон ўлкасидан ўтказилган бир қисм территория Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси составига қўшилсин.
2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Қозоғистон ССРдан Ўзбекистон ССР составига ўтказилган территориялар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларни қабул қилиб олишга тааллуқли зарур тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

Тошкент шаҳри,  
1963 йил 28 январь.



# ҚУРИЛИШЛАР ЗАРБДОР СУРЪАТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛДИ

ВЛКСМ Марказий Комитети 1963 йилда комсомол ташкилотларининг саноат ва транспортдаги энг муҳим объектларини қуришга оталиқ қилиши ҳақидаги масалани муҳофиза қилди. Қарорда таъкидлаб ўйладики, Ленин комсомоли, барча совет ёшлари КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш борис, етти йилликнинг тўртинчи йилида саноат ва транспортдаги 155 та энг йирик корхонани қуришда ақтия натиядидилар. Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишларида 120 дан кўпроқ йирик саноат объекти ишга туширилади.

Новосибирский химия комбинати ва Невинномисск азот ўғит заводи, Черкасск ва Черингов суғий ҳамда синтетик тола заводларининг ёшлари, Череповец, Новотульск, Новолипецк ва Кривой Рог металлургия заводларида турта энг йирик домна печини, Ильич номли, Жданов металлургия заводида ва Орско-Халилов металлургия комбинатида прокат станларини қуриб битазган қора металлургия корхоналарининг ёш бинокорлари яхши ишладилар. Братск ГЭС қурувчиларининг ёш коллективни катта меҳнат зафараларига эришти; етти йиллик гйгантининг яна олтинта турбиниси мамлакат саноатига тон бера бошлади.

Бошқа муҳим саноат объектларининг бинокорлари ҳам Ватанимизнинг қурулган ютуқларга эришдилар.

150 миңдан кўпроқ йигит ва қиз Коммунистик партиянинг қаҳиринга жавобан, ўтган йили комсомол йўлнамалари билан мамлакатнинг зарбдор қурилишларида кўнаб кетди.

Мамлакатда капитал қурилишга раҳбарлини янада яхши лаш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми белгиллаган тадбирлар қурилиш суръатларини тезлаштириши, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун комсомол олдда янги имкониятлар очиб бермоқда.

ВЛКСМ Марказий Комитети таъкидлаб ўтгани, уч йиллик ишдан иборат ёш бинокорлар армиясининг қилиш қурилиш давлат планини бажаришда гоят самарали иштирок этишини таъминлаш — Ленин комсомолининг етти йилликнинг бешинчи йили бўлган 1963 йилдаги энг муҳим вазифасидир.

ВЛКСМ Марказий Комитети химия, металлургия, энергетика, нефть, газ, қорғоз ва ёғочсизлик саноатининг, бинокорлик материаллари саноати, темир йўл транспортининг 160 та энг муҳим корхонасини барпо қилишни Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари деб эълон қилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми мамлакатда химия саноатини ривожлантиришга, янги химия корхоналарини ишга тушириш орқали суриблиб нетаътиланишга алоҳида таътибор берди. Шу сабабдан комсомол комитетлари «натта химия» ни барпо қилишда катнашаётган барча корхоналар, муассасалар ва қурилишларнинг ёшлари билан ишлашни кучайтириб юбормоқлари керак.

Қурилишлардаги комсомол комитетларининг вазифаси — аввало Ефремов, Қўйишево, Стерлитамак, Омск, Воронеж, Сумгаит, Ереван синтетик науқуи заводларида, Волжск, Новосибирск, Шчекино химия комбинатларида Нижний Тагил пластмасса заводида, Солгори каллий комбинатида ва химия саноатининг бошқа қурилишларида янги корхоналарни ўз вақтида ишга тушириш йўли билан жуда қисқа муддат ичида химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда мамлакатга ёрдам беришдир.

Комсомол ташкилотларининг бурчи, деб кўрсатилади қарорда, етти йилликнинг бешинчи йилида химия саноатининг янги қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга қаҳирган «Луганск-химстрой» комбинати коллективларининг муҳим ташаббусини бутун қоралар билан қувватлаш ва ёйишдан иборат.

КПСС XXII съезди пўлат ишлаб чиқаришининг энг тенамли конвертер усулини ривожлантиришга алоҳида таътибор берди. Мамлакатда барпо қилинаётган ҳамма конвертер цехларини қуриш Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари, деб эълон қилинади.

1963 йилда зарбдор қурилишларга муваффақият билан оталиқ қилмоқ учун комсомол контроли системасини яхшилаш, жамоатчилик асосларини авж олдириш ва таномиллаштириш керак. Қурилишлардаги комсомол комитетларининг ишида энг асосий вазифа — ҳар бир комсомол аъзосини, ҳар бир ёш ичкини қурилишда ақтия қатнашишга тортишдир.

Комсомолнинг саноат области, ўлка комитетларида, иттифоқи республикаларнинг ВЛКСМ Марказий Комитетларида территориал қурилиш ташкилотлари ва халқ хўжалиги иенгашлари билан биргаликда комсомол области, ўлка комитетлари, иттифоқи республика ВЛКСМ Марказий Комитетларининг штатсиз секретарлари бошчилигида зарбдор қурилишларга раҳбарлини қилувчи штаблар тузилади.

Ёшлар газети ва журналлари, радио ва телевидение редакциялари Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишларини барпо қилиш қандай бораётганини кенг ёритиб туришлари, хусусан Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозғистон районларидаги янги қурилишларда ишлаётган ёшларнинг кўп қиррали ҳаёти, меҳнатдаги гайрат тўғрисида мазмунли хикоя қилиб беришлари, меҳнатни ташкил этишда, ёшларнинг ўқиши ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда мавжуд бўлган имкониятларни дадил очиб ташлашлари керак.

ВЛКСМ Марказий Комитети барча совет ёшларини капитал қурилиш соҳасида етти йиллик бешинчи йили тошириқларини ўз вақтида ва муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, КПСС XXII съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун муносиб ҳисса кўйишга қаҳирди.



Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида кўклам та пухта тайёргарлик қуришмоқда; ариқ, зовурлар тозаланиб, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётир, техника режонти жадол бораётир. Суратда: колхоз универсалчиси ўртоқ Х. Абдувалиев «Узельхозтехника»нинг район бўлими устахонасида режондан чиқарилаган трактория В. Сироткин, И. Глауберзон фотоси.

## КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

1 «Воёвут» совхоз 3-бўлимининг Тилов Абдалев бошлиқ бригада аъзолари 1962 ҳўжалик йилида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Мажуд 334 гектар лахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди.

Бригада деҳқонлари бундай муваффақиятга кузгики тадбирларни тўла амалга ошириш, кўкламга чигит экишни барвақт тугаллаб, гўза парварлишни сифатли ўтказиш замирида эришдилар.

Бригада пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йили мўл ҳосили учун пухта тайёргарлик қуриштилар. Уруғ ташланадиган барча майдон сифатли шудгорлаб қўйилди. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ерларга яқоб суви бериш қизғин давом этмоқда. Бу ишларда Н. Холиқулов, М. Ҳакимов, Р. Тиллаев, Ж. Жўраев ва О. Зомонбоев каби ўртоқлар зўр гайрат кўрсатаётдилар.

Совхознинг 5-бўлими далаларида ҳам иш қизғин. Бу ерда шудгорлаш тез суръатларда олиб боришмоқда. Далаларга жон киритаётган механизаторлар В. Болтаев, Х. Худойбердиев, П. Жўрамуротов, М. Шомуротов ва А. Бегматовлар тунда ҳам ишлаб, ҳар куни 6-7 гектардан ер ҳайдамоқдалар.

Бўлим пахтакорлари шудгорлашни тўла тугаллаш арафасида турибдилар.

Ш. ХОЛИҚУЛОВ, Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаси.

## ҲАММАСИ ШУ ЙИЛ ҚУРИЛАДИ

Бу йил Тошкентда бир неча медицина объектлари қурилади. Бу янгиликлар билан қизилсангиз Тошкент шаҳри соғлиғини сақлаш бўлими томонидан белгиланган тадбирлар билан танишиб чиқинг. Пойтахтнинг Чингай кўчасида қурилаётган 5-болалар санаторийи шу йилнинг биринчи кварталида фойдаланишига топширилади. Бу шифохона учта бонига жойлашган бўлиб, бир йўла 150 бола шифоланади.

Оқтепа массивида 900 ўринли шаҳар насалхонасини қуриш ҳам бошлаб юборилди. Медицина даргоҳида болалар учун алоҳида корпус амратилди. У замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Беморларга юздан ортқиқ врач ва ҳамширалар хизмат қилади. Бу массивда қурилаётган 120 қўнакни тугурғон айнаи қурилади. Бу битиш арафасида турибди. Чилонзор райони яна

бир болалар поликлиникасига эга бўлади. Шу даргоҳда рентген ҳамда физиотерапия, нўза, муқо бўлимлари бўлади. Болгарские оғороти кўчасида қурилаётган 110 ўринли туғруқхона ҳам шу йилнинг биринчи кварталида фойдаланишига топширилади. Пойтахтнинг Тимирязев кўчасида эса стоматология поликлиникаси қад кўтарди. Поликлиника эш стоматологларнинг чинакам малака ошириш ўчоғига айланади.

Ўтган йилнинг натижаларидан гап очсангиз ерга қараб қолтишад бу колхоз пахтакорлари.

— Ахир, — дейди Фрунзе участкасининг бошлиғи ўртоқ Жўра Эргашев, — ҳар гектар ердан олинган ҳосил арағи 7 центнерданга етди. Ҳар ким ҳархил сабаб кўрсатилади. Бирхалла омадлик келмади дейди, яна бировлар об-ҳаво жуда нокулай бўлди, деб айтади. Тўғри, бевақт бўлган совуқ туфайли қанча-қанча майдондаги ҳосилнича нобуд бўлди.

Лекин ишнинг қўзғини билган деҳқонлар ҳарқандай шароитда ҳам улоқин олиб чиқиб кетишди. Ахир халқимизда «ҳосилнинг кам бўлса, ҳаводан ўқаланиш» деган нақол бор. Ҳамма айб ўзимизда демокчан. Сабаби кейинги йилларда ерни силаб-синаламай қўйди. Вақтида шўри ювилиб, яқоб берилмади, натижада шўр кўнаиб, нам қочиб қолди. Эқилган чигитни вақтида ундириб ололмадик. Иккинчи қайта-

## ОРИЯТ

даб экишга тўғри келди. Гўза кечки бўлиб қолди, кеч кўсаклади. Кеч кўзга бориб қаттиқ бир совуқ бўлиб берган эди, ана шу кўсаклар сув бўлди қолди. Энди бу йилги ишларни янги таломан бошқача. Ерни яқинлаб шудгорлаганимиз, туғруқнинг шаронитни ҳисобга олиб ўғитга тўғдиришмоқданиз. Энг муҳими шунки, бу йил шўр ювишга, яқоб беришга катта таътибор берилмоқда.

Жўра ака шу гапларини айтар экан, рўбарўдаги картага ишора қилди. — Ана кўрпизимиз, — дейди у, — бу карталарга яқоб берилганига икки кун бўлди. Шарифноя Шарифидин о в бригадасига қарашли ерлар бу Жўра акага гашини тугатмаган эди ҳамки, бригадирнинг ўзи етиб келиб қолди. Ҳол ахвол сурашдик.

Бригадада сув олиб келадиган асосий ариқни тозалаётганларнинг гуруғини қўқоқча чақилди. Янгиликлар. Ҳамма астойдил ишга ёнишган эди. Ахмаджон Мусев, Нетай Исқандаров, Интиқали Абдуллаев каби ўртоқлар яқоблашда қандай гайрат кўрсатган бўлсалар ариқ-зовурларни тозалашда ҳам шундай фидокорлик кўрсатмоқдалар. Ахир шў ариқдан келадиган сув билан ўзимиз гўзаларга сув қўямиз, шунинг учун ишни бошидан пухта қилдишга, дейишди улар. Бу бригадасида эмиш, бошқа бригадаларда ҳам таралду кишини кувонтиради.

Колхознинг ўртоқ Жўра Эргашев бошлиқ Фрунзе номли участкасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, иборатлидир. Бу ерда ҳозирга қадар 400 гектарга яқин ерга яқоб берилди. Шундан 190 гектар ерининг шўри икки марта ювилди. Шу қўқоқча яқоблашда 45 киши қатнашмоқда. — Бу ишга узоғи билан 1 февралда тугаллаш, — дейди Жўра ака. Бу ерда маҳаллий ўғит тўқлаш ҳам қизитиб юборилган. Ҳозиргача дала бошларига 1000 тоннага яқин гўгит ташиб чиқарилиди. Давлат томонидан берилган минерал ўғитнинг 265 тоннаси режонти ҳам жаддлаштирилди. 5 та селка, бошонлар тайёр. Ҳайдов ва чопиқ тракторларини ҳам кўкламга пухта солаш учун кўрар кетмоқда. Учаски пахтакорлар кун сайин гайрат қилмоқдалар. Н. РИХСНЕВ.

## МОЛЛАР ЙИЛ БЎЙИ СИЛОС БИЛАН ВОҚИЛМОҚДА

Янгибозор (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг қоралдорлари чорва молларини йил давомида маккажўхори силоси билан боғиш соҳасидаги ўз ишларига ақтия ясадилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Люба Ли бошлиқ бригада минг бошдан кўпроқ қоралдорлик маккажўхори силоси билан боғмоқда. Бу бригада ўтган йили 50 гектар майдонининг ҳар гектаридан 1979 центнердан кўпроқ ва пухта ҳосил янгиштириб олинганда кейин эқилган 28 гектарлик участкасининг ҳар гектаридан 400 центнердан қимматли маккажўхори оуқасини янгиштириб олди. Ердаги траншеяларга 10 миң тоннадан кўпроқ силос бостирилди. Бу силос молларга табақалаштириб берилмоқда. Масалан, сизиларга бир кунда 40 килограммгача силос берилади. Молларга силос беда, арашан озуқа, лавлаган, майда хашаки қорвоқ, қўнжара ва бошқа озуқа билан қўшиб берилади. Бу тадбир сизилардан сут соғиб олишни ва сут составини яқинлаштиришга кўпайтириди. Ўтган йили 1119 тонна сут соғиб олинди. Бу эса, 1961 йилдан 100 тонна кўпроқ, бундан ўн йил муқаддам соғиб олинган сут миқдоридан 20 баравар кўпроқдир. 150 сизирни боқайтган колхознинг илгор сут соғувчиси Роза Қон «арча» агрегати ёрдами билан бир ўзи 451 тонна сут соғиб олди. У, етти йилликнинг бешинчи йилида бу кўрсаткични 470 тоннага етказишга қарор қилди. Қишлоқ хўжалик артелининг меҳнатчилари бу йил колхоздаги барча молларни бутун йил давомида маккажўхори силос билан тўла таъминлаш имкониятини бериладиган миқдорда маккажўхори еттиштиришга қарор бердилар.

## ҚУРИТИЛМАГАН ШЎРЛАР

аниқлаш учун қайси рақамни назарда тутиш керак? Карл Маркс номли колхоздаги ўртоқлар айниқса шўрдан кўп ювиладилар, колхознинг Оқунбоев ва Ленин участкасининг ерларини қаттиқ шўр боғиб кетди дейишди. Шунинг учун ҳам бу йил 970 гектар ердаги шўр ювилиши планлаштирилган. Колхоз агрономи ўртоқ Урабобоевнинг қўнғитидаги графикка қараганда колхозда шўр ювиш 10 ноябрда бошлаши, 28 январда тамом бўлиши, бир кунда 72,5 гектар ерининг шўри ювилиши, ҳар кун бу ишга 107 киши қатнашиши лозим. Аслида эса графикда белгиланган ишнинг яри ми бажарилаётгани, чунки шўр ювишда ишлаётган кишилар сони 40—45 кишидан ошмаётгани, шу сабабли шўр ювиш планининг лозим қисми ҳам бажарилмади. Илгари Карл Маркс номли колхоз Янгиердаги машҳур «Коммунизм» колхозидан ҳам лешқаддам ҳисобланган, ҳосилдорликда уни орқанда қолдириб кетган эди.

## СИНТЕТИКА ВА ИПАК ҚУРТИ

САМАРҚАНД. Қишлоқ хўжалигида синтетик материаллардан тобора кўпроқ фойдаланишмоқда. Полиэтилен ва поливинилхлориди пўналар ипак куртларини боғиш режонини ўзгартирмоқда ва соддалаштирмоқда. Самарқанддаги селекцион-наслчилик, ипакчилик станциясида ипак куртлари боқиладиган сўнчаларга синтетик пўналар тортишмоқда. Олиб бориладган тажрибалар шу нарсани исботлайди, синтетик пўна та баргларини сўлиб қилишдан сақлайди ва ипак куртлари уни сира ишхўрда қинамай ёйишди. Қурт боқилишининг янги усулида илгирини оддий усулданги нисбатан 14 процент кам фарг сарфланади. Самарқанд Вағнона, Андиқон ва Бухоро областларининг натор хўжалиқлари баҳордан бошлаб ана шу янгиликни ишлаб чиқаришга кенг жорий қила бошлайдилар.

## КОЛХОЗЛАРДА ЎҒИТ ЗАВОДЛАРИ

ОРЖОНИКИДЗЕ, (ЎзТАГ). Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг аъзолари органик ўғитлардан компостлаш йўли билан фойдаланиш усулини Ўзбекистон пойтахт областида биринчи бўлиб қўлладилар. Чорвачилик фермасида ўғит заводи ишлай бошлади. Колхоз агрономи И. Муниров аралашмани тайёрлаш усулини ишлаб чиқди. Ҳар бир тонна гўнга юз килограмм суперфосфат қўшилиб, бунинг ҳаммаси туғроқ билан аралаштирилади. Компонити тайёрлаш ишлари механизациялаштирилган. Гўн ва гонеткаларда ташиб келтирилади. Туғроқни ташиб ва массани аралаштириш иши бўльдозерлар ёрдами билан бажарилади. Ўғитни бўшатин ишнинг ҳам бўльдозерлар азда етди. Энди далага тайёр масса, иш етказиб бераётган икки шофер ўн кишининг ишини бемалол бажармоқда. Бундай корхона мавсум давомида 4 миң тоннагача қимматли компост ишлаб чиқариши мумкин. Калинин районидаги Ленин номли, «Ўзбекистон» ва бошқа хўжалиқларда ҳам ўғит заводлари қурилади.



В. Салов фотоси.

## ТОҒЛИ РАЙОНЛАРДА ТУТ ДАРАХТИ

Баҳоринор ерлардаги тут дарахтининг барги суғориладиган ерларда ўсадиган тут дарахтининг баргига нисбатан анча сифатли ва тўйилли бўлади. Самарқанд областидаги «Галлаорол» совхозининг мутахассислари баҳоринор ерларда ўсадиган тут дарахтлари баргидан фойдаланиш соҳасида олиб борган тўрт йиллик ишларига яқин ясаб анча шундай хулосага келдилар. Баҳоринор ерларда ўсадиган тут дарахтининг афзаллиги кўп. Унда кўп миқдорда оқсил моддаси бор. Бу барг билан боқилган пилла куртлардан 29—35 процент кўп пилла олинади. Шу билан бир вақтда ҳар бир пиллада 6 процент кўп юқори сифатли тола эшилади. Тез орада Ўзбекистоннинг тоғли районларидаги кўриларда яна бир янги ўсимлик—тут дарахти пайдо бўлади. (ЎзТАГ).



Фотомухбиримиз А. Абалаев олиб келган бу суратдаги пойтахтимизнинг Шаҳанго в ур проездеда очилган янги озиқ овқат магазинидир. Янги магазинда савдо қилгани.

# Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

## ЎЗБЕКЛАРНИНГ НОЗ-НЕЪМАТИ — ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРГА

Янги йилда Польша ва Чехословакияга Ўзбекистон майизи ортлган биринчи вагонлар жўнатилди. Ўзбекистон икки йилдан бери Чехословакия Социалистик Республикасига майиз, пиёз, кўпирадиган илдиз, хом тери етказиб бермоқда. Ана шу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортлган эшелонлар уч йилдан бери Польша Халқ Республикасига ҳам жўнатилмоқда.

1963 йилда бу маҳсулотларнинг экспорт қилини анча кўпаяди. Масалан, кишимиз, ёнғоқ, қуён териси етказиб бериш қарий икки баравар кўпаяди. Бу йил республикадан Польша Халқ Республикасига ва Чехословакия Социалистик Республикасига қовун, солод илдизи ва шу каби янги маҳсулотлар юборилади. (ЎЗАТАГ).

## САВДО БЎИЧА ЭКАДВ КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

БАНГКОК. 28 январь, (ТАСС). Бугун бу ерда Оснэ ва Узок Шарқ учун БМТнинг савдо бўиича иқтисодий комиссияси (ЭКАДВ) комитетининг йиллик сессияси очилди. Сессияга турли мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан юзга яқин вакил тўланди. Сессия қатнашчилари Оснэ мамлакатларининг кейинги вақтлардаги савдо алоқалари ва савдо сисбатлари масалаларини, Оснэ мамлакатларида иқтисодий планлаштиришни т а ш қ и савдо соҳасидаги истиқболларини ва бошқа проблемаларини муҳокама қилдилар.

## ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЯНГИ АВАНТЮРА ТАЙЕРЛАНМОҚДА

ҚОХРА, 28 январь, (ТАСС). Ҳафталик «Роз Алсуф» газетаси Яман Араб Республикасига қарши янги авантюрага ҳазирлик қўрилайётганини хабар қилади. Саудия Арабистонига, деб ёзди Ҳафталик. Американи ва Англия самолётларида Габрий Германиядан қўрқароғ ва ҳарбий материаллар келтирилмоқда. Англия Аллага ҳамда ўзининг Жанубий Арабистондаги протекторатларига янги ҳарбий бўлимлар келтириш ташлади. Франция ва Бельгия газеталарида Саудия ҳарбий ҳаво кучларига учувчилар ёллаб олинётгани ҳақидаги хабарлар босилиб чикди.

## РУМИНИЯ ПЛАСТМАССАЛАРИ

ВУХАРЕСТ (ТАСС). Руминия қишлоқ хўжалигида пластмассалар нег қўлланилмоқда. Эртаги савбатлов эшитириладиган рас. садни ва парникларда полиэтилен ва полихлорвинилди пленкалар ойна ўрнида ишлатилапти. Пластмассалар ўсимликларни 4 градусгача булган совуқликдан яқин сўқай олади. Аджепресс агентлигининг маълум қилишича, ўтган йили пласт. массалардан фойдаланиш туфайли савбатлов ҳосили одадгайдан 20—30 кун илгари янги-териб олинган. Шунингден, пластмассалар еш даракларини савбатлов, савбатлов ва мевалар учун қоплар, емгир едирувчи аппаратлар ва ирригация трубулар тайёрлашда ҳам ишлатилапти.

## КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ГАЛАТИ ҲОДИСА

Бу икки ёзма галати ҳодиса янгида Японияда эш берди. Ихимура фамилиялик эш аёл оғир операция қилди: унинг қорнини ёришти. Болани кўтариб қолдиш мумкин бўлди. Бироқ онанинг аҳоли узоқ вақтгача оғир бўлиб қолди. Бундай аҳолида турмухонада яна ётиш керак эди. Бироқ, аёл у ердан кетишга мажбур бўлди. Чунки турмухонада бўлишининг ҳар кунини жуда қимматга тушар, бундай қичқини келин кувёнин бюджетни кўтаролмас эди.

### ИХИМУРА ЯНА ОПЕРАЦИЯГА ЁТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ. ҚАЙЧИНИ ОЛИБ ТАШЛАДИ.

Ҳаммаси шу билан ўтди-кетди деб ўйларсиз. Ўқ. Ихимуранинг кўрган қуфатлари бу билан тугамади. Уни иккинчи марта операция қилган касалхона ҳамма чикимларни тўлишни талаб қилди. Табиикни, Ихимура бу ҳаракатларини турмухона ҳисобига ўтказди.



Капиталистик мамлакатларда фармацевтика фирмаларининг бойлик кетидан қувшини минглаб қилларининг етганини кўриш мумкин. Синаб қўрилган доридорлардан очик-ойдин соқилмоқда. Кейинги пайларда Габрий Германияда қонилдор аёллар учун чиқарилган «юна-тувич зарарсиз дорин» — талдиомид касофати натижасида болалар майиб-мажруҳ бўлиб туғилмоқда. Сиз бу суратда қўлсиз туғилган қизчаи кўриб турибсиз. Гейдльбургдаги ортопедик клиника унга суғий қўл ясаб берибди. Бечора қизча!

Т. ШЕРАЛИЕВ.

## САЁХАТГА!

1963 йилги туристик саёхат яна бошланди. Тошкент, Самарқанд ва Фарғона области меҳнатқашларидан катта бир гуруҳи Польша билан Чехословакияга туристик саёхатга жўнаб кетдилар. Ўзбекистонлик туристлар Варшава, Краков, Закопане, Готвальдов, Прага, Карлови Вари ва бошқа шаҳарларда бўлидилар. Саёхат довоида Пороцкино, Белий Дунайда ҳамда Прага каби дохи Ленин бўлган жойларни зиёрат қилдилар. Совет туристлари Варшава, Прага шаҳарларида поляк ва чехословак халқлари яратган тарихий, архитектура ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан танишдилар, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини бориб кўридилар. Сафарга чиққанлар орасида Кўрдак доволли сангтария бирлашмасининг врач Мухайд Оқилова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликларни химоя қилиш илмий текшириш институтининг илмий ходими Вадуд Ваҳодиров, Юқори Чирчиқ районидики Свердлов номи колхозининг аъзоси Мухаммад Ким ва бошқалар бор. Польша-Чехословакия саёхати 14 кун давои этди.

### РЕДАКТОР М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Ораш Ташкентлик промшлененного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбо. сари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет курулиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлими — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илгир таърихларию пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142.

# Уртинқилдик

## МУШТУМ

(Пианистанинг хиргойиси)  
Ароқ ичиб, кўчада дайдиб,  
Дуч келганга кўтардим муштум,  
Эл олдида обрў тўкилиб,  
Кайф туфайли «Муштум»га тушдим.  
Х. СОИБНАЗАРОВ.

## „Стел календарин“ саҳифаларидан

— Хўш, запас қисмларини жўнатиб бўлдиларингми?  
— Ҳа-да, ўртоқ директор!  
— Етарли миқдорда жўнатибган.  
Дир?  
— Лекин... жуда ҳам кўп юбориш керакмас эди.  
— Ўртоқ директор, айтганингиздай...  
— Ўйлаб қарасам, умуман юбор. маса ҳам бўларкан...  
— Эй, хотирман бўлинг-е, бир дона ҳам запас қисм юборганимиз йў.  
— Қўшиқ санъати бўйича қизимнинг уйда олаётган дарси менинг бойишига ёрдам бери.  
— Қандай қилиб?  
— Енимиздаги кўшни уйлари ярим баҳосига сотиб олдим.  
— Ахир бу поездинг охири бўлади-ми, йўқми? — деб аччиқилди, шилти, темир йўлни кесиб ўтган кўча ёқасида состав ўтиб бўлишини кутти турганлар.  
Шунда стрелкачи улар ёнига келиб: «Охири бўлмайдми. Станцияда охириги вагонни улашини унуттибди», — депти.

## САВДО ХОДИМЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Тошкент шаҳар савдо ходимларининг актив йигилиши жуда муҳим масалани — КПСС Марказий Комитетини ноябрь Пленуми қарорини муносабат билан шаҳар аҳолисига савдо хизматини янгида яхшилаш талбирларини муҳокама қилди.  
Доқладчи — шаҳар савдо бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Ортиқсўжаев, шунингден музокараларда сўзлаган бошқа нотидлар ҳам пойтахтимизда аҳолига савдо хизматини кўрсатишда қўлга киритилган ютуқларини қайд қилиш билан бирга, асосий эътиборини бу соҳадан камчиликларни бағтираф қилишга қаратдилар.

Шаҳардаги савдо бошқармасига қарашли барча тармоқлар ўтган йили планини бажардилар. Аҳолига 484.162 минг сўмлик товар сотилди. Ётти йилнинг ўртинчи йили учун белгиланган товар сотиш плани 7 миллион сўмга ошириб бажарилди. Меҳнатқашларининг гўшт, қолба с а маҳсулотлари, ёғ, сун ва бошқа зарур озиқ-овқатга бўлган аҳтиёжлари тўла қондирилди.  
Лекин шунга қарамай, шаҳар савдо бошқармасига қарашли кўпчилиги савдо тармоқларида жиддий камчилик ва нуқсонлар бор. Ваъдани мағзинлар белгиланган товар обороти планини мунтазам бажармай келаттириш, харидорлар аҳтиёжини қондиришга етарли эътибор бермаётганлиги, Текширишлар шунини кўрсатдики, «Ташпротторг», «Таштентильшвейобувторг» ва «Ташхозкультторг»га қарашли кўпгина мағазинларда аҳоли учун зарур бўлган товарларнинг 40 хилгача яқини савдода бўлмаган. Ваҳоланки, бундай моллар янги савдо оморларидан кўп миқдорда уйлиб ётган.

## ҚОПҚОНГА ТУШИРИЛДИ

Фарраҳ Баҳовутдинов Охантарон районидики Облик қишлоғида яшайди. У тақрибан оғчин ва анонйиб мерганлиги билан доғ таратган.  
Январ. Тулғи йизирини. Мана шу пайтда Фарраҳ ана қўшгани миллиқ қопқон ва қопқон ити билан Охантарон дарёсини бўйига жойлашган совхознинг снгр фермасини томон борарди. У фермага яқинлашиб қолган ҳам эдики, бир дан совхоз ферма итларининг кетма-кет воуулаган овози эшитилди. Қорюул бўлса молга бўри кетди, деб қичқирарди. Овчи дарҳул қалин бутазорга яшириндида, бўрини кутабошлади. Тоғ ҳам ёришай деб қолди, лекин бурдан дарак бўлмади. Фақат қаердадир қорамолнинг бўвирган товушини эшитилди холос.  
Фарраҳ ана ўлимтин гўшт боғладан уч қопқонни ерга авайлаб бериктидида, ўзи қопқон ити билан қаналазорда бўрини пойлаб ётди. Тоғ ёришиб қолган пайтда икки бўри кела бошлади. Қирт-қичилар гўштини кўриб унга ўзини урдию оёғидан қопқонга илдири. Тоғдан дайдиб қишлоқга тушиб қолган ва жамоат чорчасига зарар етказган бу бўриларни уста овчи қўлга туширди.  
Фарраҳ ана 20 дан ортқин тулки, чинбурни терисини таёвирлаш пунктига топширди.  
Т. ШЕРАЛИЕВ.

## „ҚИЗИЛ ТОВУШ“ДАГИ ЭГРИ КОВУШ

Салом, «Уртинқилдик»! Менинг устимдан сенга шикоят қилишибди деб эшитиб сочларим тикка бўлиб кетди. Нима, мен уларнинг арпасини хом ўрибманми. Бу қўрқолаётганимнинг иши. Ҳаммаси ёлғон, бор асли шикоят. Хатимни ўқисане, бор аслоғини биласан. Мана, қўлоқ соғ: Мен Октябрь район «Қизил Товуш» кўча, Қаймоқ проезде 8-уйда истиқомат қиламан. Исми Мухаммадми, фамилиям Содықов. Қасбим — саргарошлик. Битта қайроғу, битта устара дамтоғ. Тоғиш-туғишим ёмон эмас, қўнғамини тўла пул, ҳеч нарсадан камим йўқ. Бировга озор бермайман, беш вақт намозни қамда қилмайман мўмин-муслимон одамман.

Шу одамларга ҳайронман, менинг оғлам билан нима ишлари бор экан-а. Хотинимни урамани, сўқамани, ўзимга тан. Маҳалла-кўй уйланишима қарши чиққанини айтмайман. Барибир, уйланаман дедингми, уйланаман. Мен унақ сўздан қайтаётганимдан эмасман.

Хотиним Мунарраҳман тезроқ ажралши учун қўнғи совур деб қўнғи с калтакладим. Бир кун 6 йили ўғилчам Самиржон ола шохини сндрибди. Нега қарамаликам деб онасини дўппосладим. Жаҳолат устиди унинг қонилдорлиги ҳам қўнғи кўришди. Бир вақт қарасам бехуш ётибди. Қўнғи-қўнғилар чикўб қолди. Хотинимни касалхонага олиб кетди. Ана шунда устимдан жикойи иш кўзгаиди. Қарасам, бўлмайдиман. Арзиманган иш билан жавобгар бўлишим турган гап.

Фалокатнинг олдини олдим-у, хотиним касалхонадан келиши билан яқиниб-яқиниб. Болаларни йртгага солидим. Иккинчи урмаман деб сўз бердим. Мунарраҳ лаққа тушиб. Менинг гуноҳимни сўраб олоди. Хотиним номига касалхона қўйилган 800 сўмин олиб ёлғаштиришимча муро-са қилиб турдим. Пулларни қўлга олачак тўнчани шартга тескари қилдим.  
Энди уйланишга ҳаракат қилсам ҳам бўлаверди. Қўнғи-қўнғи маъна савдо соқдим. У қишга ҳам маъна

бўлди. «Хотининг гилртан», умдан тезроқ қўнғилангани яқини, онаси ўнмаган қўз олиб беримиз дебдилар. Ўзини биласан-ку, отанинг сўзини иккига қилиш яқин эмас. Хотинимни чақириб дедим:  
— Сени хотин қилолмайман, касалхонада ётганинда сени бевона эркаклар кўрди, энди менга номажарман. Яқинликча ажрасан-е нақд 200 сўм берман. Болалардан ҳам хабар олиб турман.

Алай-балай деган эди, ҳовилини ўртасидан шартга тўсибди, ўзим бобой томонига ўтиб олдим.  
Дарҳол мени унаштираб қўйишди. Уртада фотиҳа, олиқ-солиқ ҳам бўлди. Энди тўнги бошқалоқчи эдим, маҳаллабодилар шикла чиқаришди. Ноинсофлар тўнги тўхтаб қўйишга бўладим! Бунинг устига маҳалла активлари мени ўртоқлик сўзига чақирди. Тавба, уйланмаган мен-у, тавишини уларга тушибди. Аммо мен ҳам болайдим. Йигиллида ади-бади айтишиб ўтирмайдим, қўнғамдан бир даста пул чиқариб гапнинг нўбт калласини айтдим қўйдим: «Менинг мушуқлимни осон қилайдим мана шу пуллар!» Суд-пудилигини тан олмайман, дедим. Ахир бу нима деган гапки, бир ярим йил ичиди мени ўттиз мартага яқин муҳокама қилдишди! Нима, мен тарбияланганим эш боламанми. Қап-қатта одамман! Ақлу-қушим жойида. Беш боланинг отасиман.

Хуллас, мажлисдан зардам қайнаб кетиб қолдим. Эшитишимча қарасанда, мени Октябрь район прокуратурасига чақирди. Лекин жияшотиб бўлмагандан кейин мени нима ҳам қиларди.

Бор сап шу. Кўриб турибсанки, қишча қўнғи айбим йўқ. Ошинг ҳало бўлса кўчада ич дейдилар. Шунинг учун хотинимни бир амаллаб ажралишга кўндириб олсам, бу ёни тайиб. Бир қишқик тўй ётиб кетди. Болалар бўлса бир кунини кўриб кетар. Тўйга сени албатта айтаман. Ҳузирча ҳайр.

Бу хатни муҳбиринг А. МИРЗА-АХМЕДОВДАН бериб юбордим.

## ЯНВАРДА БАҲОР

Шу қишнинг ноябрь-декабрь ойлариди. Урта Оснэда бўлган ёмғир-қорли совуқ кунлар унитилмади. Мана, икки ҳафтадан ошироқ вақтдан буён ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг кўпгина районларида кундуз кунини термометр 20-24 даража иссиқни кўрсатмоқда. Айрим кунларда ҳарорат йиллик ўртача температурадан 10-12 даража юқори бўлмоқда.  
Европа қитъасида биздагига тамомилан қарам-қарши об-ҳаво савқлиниб турибди. У ерларда совуқ кутириб тез-тез кучли қор ёғмоқда.  
Об-ҳавонинг бундай неллишини кўнйидагича характерлаш мумкин. Атмосферанинг юқори қатламларидаги кучли ҳаво оқимлари Атлантик океандан Европага иссиқлик олиб келмай қўйди. Бунинг ўрнига шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа қараб келатган ҳаво оқимлари Европа қитъасига Гренландия музликлари ва Арктика денгизларидан совуқ ҳаво олиб келмоқда. Урта Оснэ устида турган кучли жанубий-ғарбий ҳаво оқимлари Европандан келадиган совуқ ҳаво қатламларини бизнинг томонларга ўттишга йўл қўймаётди. Натияжада совуқ ҳаво оқимлари Урта Оснэни четлаб, Сибирга ўтиб кетмоқда.  
Яқин кунлар ичиди ҳам иссиқ ҳавонинг бутун республикамиз районларига савқлиниши кутулади.

А. ТАГИРЗАНОВ.  
Урта Оснэ гидрометеорология илмий-теңиринг институтининг илмий ходими.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 ЯНВАРДА  
Рус тилида: 18.00 — Буда готов! Телевизион журнал. 18.45 — Курьерлик янгиликлари қилмурури. 18.55 — Телевизион янгиликлари. 19.10 — Етти йиллик йилларга (Кабель заводи ёшлари).  
Ўзбек тилида: 19.35 — Зарафшон қизи (Музимий номи тағдилан), тағрифус вақтларида — Телевизион янгиликлари ва Киножурнал, эшитиришлари: нейин — Сунғи ахборот (Ўзбек ва рус тилларида).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 30/1 да Кулган ишчи, 31/1 да Чино-Чино-Сан.  
ХАМЗА НОМИ ТЕАТРДА — 30/1 да Олов (билетлар сотилган) 31/1 да Тобутдан товуш.  
МУҚИМИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 30/1 да Зарафшон қизи, 31/1 да Кимга тўй, кимга аза.  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Украина цирки артистлари ва Зинаида Тарасованинг хайрашуш гастроллари. Кеч соат 7 яримда бошланади.

## КИНО

Ешу гўр — «БАТАН» (орталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9-45 минутла). «ИСКРА» (кундуз ва кечкурин). «СПУТНИК» (тоғ соатларда).  
Уч мушкетёр — «МИР» (орталаб соат 10, кундуз 12, кеч 5 ва 10 да). «ИСКРА» (кеч 10-20 да 10-45 минутла). «ЎЗБЕКИСТОН» (орталаб 10, кундуз 12, кеч 8 ва 10 да).  
Рокко ва унинг биродарлари — «МИР» (кундуз соат 2 ва кеч 7 да).  
Кенна ўғил кўчаси — НАВОИЙ номи (кундуз ва кечкурин).  
Сафр — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).  
Революция ҳақида ҳикоялар — «СПУТНИК» (куфт соатларда).  
Номалум аёл — «БАТАН» (кундуз соат 4, кеч 8 ва 8 да).  
Улимининг ўз юзи бор — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (Кундуз ва кечкурин).

## СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2,3 февралда  
КАТТА КОНЦЕРТЛАР  
СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Мунаррама Турмухоева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Коммуна Исроилова, Берта Давидова, Ўзбек ашула ва ракс ансамбли қўнғашади.  
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

## ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ  
Ўқини муддатини — 1 йил.  
Қабулда 8 синф ҳақида маълумоти бўлган интилар қабул қилунади.  
Ўқини 10 февралдан бошланади. Мурувот учун адрес: Тошкент шаҳар Октябрь район, Қорасарой кўчаси, 272-ўй. Профтехника билым юрти.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ИКРОИЯ КОМИТЕТИ

Майиш хизмат кўрсатиш бошқармасининг  
ТОШКЕНТ «СТРОБИТЕМОНТ» КОМБИНАТИ  
ЭЛЕКТРОПРОВОДКАНИ  
РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА ЯНГИСИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ УЧУН,  
уй буомларини  
ЖОЯЛАШ ВА ЖУНАТИШ УЧУН орталаб соат 9 дан кундуз 1 гача  
ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ,  
граждандарга кубометри 8 сўмдан, арзонлаштирилган

## ТАХТА-ЎТИН СОТАДИ

Мурувот учун адрес: Киров район, Лабаит кўчаси, 9-ўй (2-трамвай, 9. 11. 19. 47-автобуснинг «Победа» парни останоюсини), телефон 2-75-27. 2-79-61.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ИКРОИЯ КОМИТЕТИ

Парасарой кўчаси. Гуручарик мавзу, Саринсув проезд, 2-утичи, 108/20-ўйда турувчи Мухтор Фуломжоннинг Тошкент область, Янгиўл район Дизель проездеда турувчи Кутуби Фуломжон и о в а (Азизовдан) акралиш ҳақидаги ишни Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.  
Тошкент шаҳар икרוия комитети, партия ва насаба союз ташкилотлари шаҳар план комиссиясининг энг некса ходими  
Зефиров Инолай КОНСТАНТИНОВИЧНИНГ  
вифот этганини кўчур қайру билан билдириб, маркумининг оиласига таъзия изҳор қилди.